O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIY VAZIRLIGI HUZURIDAGI HUQUQIY AXBOROT MARKAZI

МУСТАҚИЛЛИК *биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.*


O'ZBEKISTON OVOZI

• 2009-yil • 29-avgust • Shanba • 103-104 (30.065) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Пойтахтимиз Тошкентда барпо этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир ёрқин тимсоли бўлди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИ БИЛАН ТАНИШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 август куни Тошкент шаҳри марказида қад ростлаган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи билан танишди



Истиқлолнинг ҳар бир йили мамлакатимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, халқимиз эришаётган олам-шумул ютуқлар, эзгулик ва шодумонлик, тараққиёт ва фаровонлик йили сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий корхоналар, турар жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, равон йўллар ва кўприкларни кўриб кўз қувнайди, дилларда шукроналик, ғурур ҳисси ортади.

Инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» дея эътироф этилган, халқимизнинг ифтихори бўлмиш азим Тошкент шаҳри ўзининг 2200 йиллик тўйи арафасида ўзгача чирой, ўзгача маҳобат касб этмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари азим шаҳримизни замонавий мегаполисга айлантирди.

Истиқлол йилларида Тошкент нафақат мамлакатимиздаги, балки бутун минтақадаги йирик ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий марказ сифатида обрў-эътибор қозонди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига мувофиқ 2008 йилда Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройини қуриш бошланган эди. Замонавий меъморий ечимга эга мазкур иншоот қисқа фурсатда сифатли бунёд этилди.

Президентимиз Ислом Каримов 28 август куни «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи билан танишди.

Амир Темур хиёбони меъморий ансамблининг дурдонасига айланган мазкур сарой ўз маҳобати, салобати, бетакрор тархи, замонавий ландшафт дизайни билан Тошкент шаҳри чиройига чирой қўшди. Бу ерда йирик халқаро анжуманлар, маданий-маърифий тадбирлар, концертлар ўтказилади.

(Давоми 2-бетда)



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганининг 18 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга, Жаноби Олийлари, ва Сиз орқали бародар Ўзбекистон халқига самимий табрик ва энг эзгу тилакларни йўллаб қоламан.

Мамлакат истиқлолга эришгандан сўнг ўтган 18 йил мобайнида Ўзбекистон ҳукумати ва халқи Сиз Жаноби Олийларининг раҳбарлигида давлат суверенитети ва мустақиллигини асраш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва хорижий давлатлар билан узлуксиз алоқаларни кенгайтириш йўлида фаол интилмоқда ҳамда мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида қатор эътиборли муваффақиятларга эришди. Бу бизни чин кўнгилдан бениҳоя қувонтирмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилган кундан эътиборан Хитой — Ўзбекистон алоқалари соғлом ва муваффақиятли ривож топди. Икки давлатнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий ҳамда хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорлиги узлуксиз кенгаймоқда. Хитой ва Ўзбекистон ҳар иккала томонни ҳам ташвишга солиб турган муҳим ва жиддий масалаларда бир-бирларини қатъий қўллаб-қувватламоқда, ШҲТ, БМТ каби халқаро тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпти, мамлакатлар умумий манфаатларини самарали ҳимоя қилиб, минтақа ва дунё тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

Мен Хитой билан Ўзбекистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик борасидаги шериклик муносабатларини узлуксиз илгари суришда Сиз билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларга тайёрман.

Жорий йилда мамлакатингиз пойтахти Тошкент 2200 йиллик юбилей байрамини нишонлайди. Фурсатдан фойдаланиб Сизга, Жаноби Олийлари, ва Тошкент шаҳри аҳлига самимий табрикларимни изҳор этаман. Тошкент шаҳрига янада ёрқинроқ гўзаллик, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги ютуқларга эришишини ва унинг аҳолисига фаровонлик тилаб қоламан.

Бародар Ўзбекистонга қудрат ва равнақ ҳамда унинг халқига бахт-саодат тилайман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлиқ ва олий даражадаги давлат фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

Ху ЦЗИНЬТАО,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва тарихий Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ва қардош Ўзбекистон халқига ўз ва афғон халқи номидан самимий табрикларни изҳор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Афғонистон Ислом Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги яқин қўшничилик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган дўстона муносабатларни биз жуда қадрлаймиз ва ушбу алоқаларнинг янада ривожланишига тилакдошмиз.

Ушбу муносабатлар вақти соати келгач ва эзгулик, шунингдек, тарихий, маданий ва диний умумийлик боис мустаҳкамланиб, янада ривож топишига аминман.

Сизга, Жаноб Олийлари, мустаҳкам соғлиқ, дўст ва бародар Ўзбекистон халқига муваффақият ва равнақ тилаб қоламан.

Ҳамид КАРЗАЙ,
Афғонистон Ислом Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ҳиндистон халқи ва ўз номимдан самимий табрикларни изҳор этиш менга улкан мамнуният бахш этади.

Мамлакатларимиз ўртасида тарихан қарор топган дўстлик муносабатлари кейинчалик олий даражадаги ташрифлар билан мустаҳкамланди. Сиз билан биргаликда икки томонлама алоқаларни ва минтақадаги ўзаро манфаатларни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишга умид билдираман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бародар Ўзбекистон халқига бахт ва фаровонлик тилаб қолгувчи эзгу истакларимни билдираман.

Юксак эҳтиром ила,

Пратибха Девисингх ПАТИЛ,
Ҳиндистон Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Расулов Абдурашид Давронович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Пулатов Фахриддин Мухиддинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курси цикли бошлиғи

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишдаги катта хизматлари ҳамда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Мирсагатова Саодат Махмуджановна — Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

Очилов Яхшибой Мухаммадиевич — Қашқадарё вилояти Косон тумани прокурори

Рахманов Зокиржон Сидиқович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси Эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи

Саттаров Акбарали Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг бош анестезиологи

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ашуров Кахор Ахорович — Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

Бобобеков Равшан Булгакович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Горлов Андрей Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жуммаев Халмурад Алламурадович — Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Кадиров Бахрам Вахабович — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармаси катта тезкор вакили

Маллабоев Абдусаттор Убайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми командирининг ўринбосари

Нарзуллаев Бобир Батурович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Султонов Бахтиёр Гайбуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Шарифходжаев Джавдат Шавкатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

Шу йил 28 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламентнинг юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мазкур масалани муҳокама қилиш асносида таъкидлаб ўтилганидек, амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги арафасида қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти бўлган давлатимиз инсонпарварлигининг ёрқин кўринишдир.

(Давоми 3-бетда)

O`zbekiston havo yo`llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абсарова Лариса Хусанбековна — Фарғона вилояти прокуратураси бўлими катта прокурори

Косенков Игорь Александрович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

Петровский Александр Олегович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Ахборот маркази бошлиғининг ўринбосари

Пягай Илья Васильевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тахирова Шукурджан Розимовна — Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бош инспектори

Хатамов Немат Турапович — Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят судининг судьяси

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурахимов Хаётжон Адхамович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бош мутахассиси

Абдураманов Рустем Мусурмонкулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Азамов Сиддик Содикович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг муҳандислик-сапёрлик взводи сапёри

Акназаров Азим Маматкулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси чегара постининг ўқчиси

Анаркулов Дилмурад Бахтиёрович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Атаджанов Алишер Олимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бабаходжаев Хайрулло Хасанович — Андижон вилояти Андижон шаҳар Ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди бўлинма командири

Бойкаев Нуриддин Мустафаевич — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув отряди гуруҳ командири

Буриев Шарофитдин Ибрагимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Варисов Абдураззоқ Исмаилович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

Гафуров Александр Валерьевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

Ибатходжаев Лазизхон Казимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исматуллаев Иззат Эргашевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қайпназаров Узакбай Есемуратович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус қидирув-разведка гуруҳининг мутахассиси

Каттаев Шукрилла Ташович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси инспектор-кинологи

Қаюмов Хокимбек Абдулбокиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг муҳандислик-сапёрлик взводи секция командири

Кузибаев Бахрам Баходирович — Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани Ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

Курбанов Улуғбек Садуллаевич — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони командирининг ўринбосари

Кушаков Фарход Эшкуватович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг муҳандислик-сапёрлик взводи секция командири

Махкамов Насир Расулович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бўлими бошлиғи

Набиев Владимир Валерьевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бош мутахассиси

Нормухамедов Тимур Султанович — Тошкент шаҳар прокуратураси алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

Нуралиев Атабек Хайруллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Орипов Музаффар Кобулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Разиков Дониер Тухтасинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Саидов Хабиб Шавкатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг чегара пости йўриқчиси

Узбеков Мурат Аминшаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Уринбоев Кудратжон Гайратжонович — Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Хамроев Зоҳир Тошевич — Навоий вилояти Нурота тумани Ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

Хасанов Иброҳим Исломович — Тошкент вилояти Оққўрғон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

Хашимов Баходир Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ходими

Шукуров Иноят Рахматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

Шукуров Қиём Қўлдошбоевич — Қашқадарё вилояти Китоб тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Эргашев Шухрат Марибжонович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси тезкор вакили

Эшкулов Исомитдин Гуломович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Асадуллаев Анвар Нарзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг тиббиёт хизмати бошлиғи

Давронов Шермат Тоирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассис-сапёри

Джураев Асроржон Бахшиллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жаббаров Зарифбой Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

Журабоев Дилшод Бахтиерович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассис-сапёри

Закиров Кахрамон Анорбаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассиси

Иргашев Анвар Урокович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассиси

Маликов Бахтиёр Абдукодирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг хизмат бошлиғи

Назирдинов Сардорбек Турдалиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг мутахассис-сапёри

Нарчаев Менгликул Жумаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ командирининг ўринбосари

Оринбаев Муроджон Маматхалдарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳининг мутахассиси

Таджибаев Садриддин Нуритдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тагаев Джахангир Рузиевич (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси эскадрильясининг авиация катта борт техниги

Тошбоев Мухаммадали Пулатович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

Туракулов Абраркул Анаркулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми автомобиль гуруҳининг командири

Усаров Гайрат Кодирович — Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедраси бошлиғи

Хайдаров Хамид Саитович — Тошкент шаҳар Учтепа тумани Ички ишлар бошқармаси бўлинма бошлиғи

Харламов Сергей Александрович (марҳум) — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг командири

Ходжаев Азамат Азимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

Холдоров Жасурбек Олимжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси гуруҳ командирининг ўринбосари

Эргашев Анвар Юлдашевич — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизмати бошлиғининг ўринбосари

Эргашев Толмас Фарходович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг гуруҳ мутахассиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Ахмадали Умарович — Фарғона вилояти Фурқат тумани «Томоша» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг раҳбари

Абдуллаев Юлдашбек Тухтабекович — Чирчиқ олий ҳарбий танкчилар қўмондонлик-муҳандислик билим юрти гуруҳининг командири

Акимниязов Азат Абдинайимович — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Аскаров Баходир Абдурахмонович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази робот техниками бўйича бош мутахассиси

Атаджанова Айгуль Ибрагимовна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлими катта прокурори

Ахмедов Равшан Турсинхажаевич — Ҳарбий хизматчилар ишлари бўйича махсус адвокатлар ҳайъатининг мудири

Бекбутаев Мухиддин Жумаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг гуруҳ командири

Борибаев Шарибай — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани «Бердах» овул фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг посбони

Кодиров Фозил Облоевич — Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Кулдошов Рашид Шавкатович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми вертолёт эскадрильясининг звено командири

Кунишов Нарбек Музапарович — Жиззах вилояти Жиззах шаҳар «Заргарлик» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг раҳбари

Курбанов Абдужалил Тухтамуродович — Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи

Курбонова Зарипахон Муминжоновна — Тошкент вилояти хўжалик судининг судьяси

Мамажонов Ойбек Одилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми хизматининг пост бошлиғи

Мирзарахимов Фарход Салимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси взводининг разведкачи-гранатомётчиси

Очилов Кулдош Тухташевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик-сапёрлик взводининг гуруҳ командири

Сейдеметов Алпамис Муханович — Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси кичик инспектор-кинологи

Тиллабоев Кучкорбой — Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Тургунбаев Дильшод Холматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Хайруллаев Раббим Нарзикулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Самарқанд ҳарбий госпиталининг жарроҳлик бўлинмаси бошлиғи

Худайбердиев Абдугаффар Хошимович — Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Шаймонов Отабек Туробович — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Қорасарой» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг раҳбари

Шамаксудов Бехзод Анварович — Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Эшбеков Аширқул Алимбекович — Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Юлдошев Турғунжон Тиловович — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Ички ишлар бўлими профилактика инспектори

Юсупов Алишер Алимбаевич — Хоразм вилояти Урганч тумани «Юқорибоғ» қишлоқ фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг раҳбари

Юсупов Баходир Батирович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш Бош бошқармаси тиббиёт бўлимининг бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 август

ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИ БИЛАН ТАНИШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 август куни Тошкент шаҳри марказида қад ростлаган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи билан танишди

Давлатимиз раҳбари ғояси асосида бунёд этилган мазкур муҳташам сарой ўзида миллий ва замонавий меъморчилик услубларини мужассам этган. Ушбу сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мармар устунлар, диаметри 53 метрлик гумбаз меъморчилик бобида ҳам дунё аҳлини лол қолдирган аждодларимизнинг асрий анъаналари бардавом эканидан далолатдир.

Ислом Каримов сарой заллари билан танишар экан, ранглар мутаносиблигига, замонавий меъморий ечимларга уйғун миллий анъана ва услубларга алоҳида эътибор қаратди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мазкур сарой ҳам халқимиз бунёдкорлигининг яна бир тимсоли сифатида қад ростлади, — деди Президентимиз. — Шаҳарларимизда, хусусан, пойтахтимизда бунёд этиладиган ҳар бир бино шаҳарнинг меъморий ечимига мос бўлиши лозим. Мазкур саройни қуришда ҳам ана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Қураётган иншоотларимиз, маъмурий бино бўладими, таълим ва тиббиёт муассасаси ёки турар жой биноси бўладими, албатта, келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилиши зарур.

«Тошгипрогор» акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонаси бунёдкорлари томонидан барпо этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройининг баландлиги 48 метр. У 300 ўринли мажлислар, 300 ўринли қабуллар зали ва 1800 ўринли анжуманлар залига эга.

Давлатимиз раҳбари саройнинг тархи, дизайни, ёритиш тизимини юқори баҳолади. Сарой фойесида ранглар мутаносиблигини таъминлаш, томошабинлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, бино атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбири.
С.ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

«Шарқ тароналари — 2009»





НАФИС ОҲАНГЛАР САДОСИ

Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивали давом этмоқда. Қадимий Регистон майдонида, шаҳарнинг бир қатор боғ ва хиёбонларида, туманларда анжуман иштирокчилари ўз дастурлари билан қатнашмоқда.

Австриядан келган мусиқа оркестри ижросидаги классик оҳанглар Регистонда ўзгача оҳанг таратган бўлса, АҚШнинг «Big Mountain Dancers» санъат гуруҳи намойиш этган рақслар мухлислар олқишига сазовор бўлди.

— Фестиваль олдидан кўнглимизда ўзбекистонлик санъат шинавандалари қўшиқ ва рақсимизни қандай қабул қилар экан, деган ҳадик бор эди, — дейди мазкур гуруҳ аъзоси Тини Биг Маунтин. — Мухлислар чиқишларимизни алоҳида эътибор билан қарши олди. Бундан эса кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Эстониялик санъаткорлар ижросидаги «Қоятошлар рақси», тожикистонлик Малоҳат Абдушукуровани нинг мақом йўналишидаги ашулалари, Озарбойжоннинг «Сари Гелин» ансамбли чиқишлари ҳам олқишларга сазовор бўлди.

Хитой, Латвия, Жанубий Корея, Россия, Эрон, Германия, Буюк Британия, Индонезия, Туркия, Италия, Мўғулистон вакиллари томонидан ижро этилган миллий куй ва қўшиқлар, жозибали рақслар ҳам «Шарқ тароналари» фестивалига ўзгача руҳ бағишлади.

Ҳар бир фестивалда халқимизнинг бой мусиқа меросининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бераётган мамлакатимиз вакиллари бу гал ҳам ўз ижролари билан барчани мафтун этди. Адолат Қўлдошева, Элмурод Аҳмедов ва Фурқат Ашуралиев мақом йўналишидаги қўшиқларни маромига етказиб куйлади.

Бангладеш, Ҳиндистон ва Малайзия давлатларидан келган санъаткорларнинг Самарқанд туманидаги Хўжа Аҳрор мажмуасида санъат ихлосмандлари билан учрашуви дўстлик байрамига айланиб кетди. Мусиқанинг тил ва миллат танламаслиги яна бир бор ўз ифодасини топди. Меҳмонлар ҳамда Самарқанд тумани санъаткорлари жўровозликда қўшиқ куйлади, рақсга тушди.

Бундай тадбирлар вилоятнинг Тайлоқ, Оқдарё, Ургут туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

А Х Б О Р О Т

Амнистия акти ҳукм қилинган аёлларни, жиноят содир этган вақтида 18 ёшга тўлмаган шахсларни, 60 ёшга тўлган эркакларни, шунингдек, чет эл фуқароларини жазодан озод қилишга қаратилган. Амнистия акти асосида ёшидан қатъи назар эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинадилар.

Бундан ташқари озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно), шунингдек, тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинади.

Амнистия акти қуйидаги тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилмайди: узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар; ўта хавфли рецидивист деб топилганлар; ўта оғир жиноятларни содир этган шахслар, шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахслар.

Сенат ўзининг қарори билан амнистия ҳақидаги қарорни қўлланиш тартибини белгилади. Ушбу қарорда амнистия бўйича озод қилинадиган шахсларга доир ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб қўйилмоқда. Шу билан бирга амнистия актини қўлланиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, шунингдек, очиқ-ошкораликни таъминлашда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили минтақавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Жазодан озод қилинган шахслар-

(Давоми. Боши 1-бетда)

нинг ижтимоий кўникмасига ва ҳимоясига йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга ошириш, уларнинг тўла ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилиши, ёлғизлар, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналари, васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш назарда тутилади.

Шундан сўнг парламент юқори палатасининг аъзолари ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, шунингдек, гуманитар соҳани изчил ривожлантиришга, ижтимоий муаммоларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар.

Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам бор.

Қонуннинг мақсади жаҳон стандартларига жавоб берадиган ҳамда дунё бозорларида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган замонавий юксак технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун чет эл инвестицияларини, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга қулай шароитлар яратишдан иборатдир.

Қонун билан эркин иқтисодий зонанинг бир тури сифатида индустриал-иқтисодий зона тушунчаси киритилмоқда, эркин иқтисодий зона ҳудудида амал қилувчи алоҳида ҳуқуқий, солиқ, божхона ҳамда валюта режими белгиланмоқда. Бу режим эркин иқтисодий зона иштирокчиларига хўжалик фаолиятини амалга оширишда бериладиган имтиёзлар ва преференцияларнинг аниқ рўйхатини назарда тутади.

Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонун истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ва мамлакатимиз электр энергетикасининг юқори даражада хавфсиз бўлишини, тармоқда хизмат кўрсатишнинг ишончлилиги ва сифатини оширишга қаратилган.

Сенаторлар «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни ҳам кўриб чиқдилар. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан операцияларни амалга оширадиган ташкилотларнинг шубҳали молиявий операцияларини ўз вақтида аниқлаш механизмини такомиллаштиришга, жиноий йўл билан топилган пулларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимига жалб этилган ташкилотларда ички идоравий назоратнинг самарадорлигини кучайтиришга ёрдам бериши кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 мартда қабул қилинган Фармонини ижро этиш юзасидан маҳсулот тақсимотига оид битим шартлари асосида ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 256-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Киритилган ўзгартиш ва қўшимча ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ва акциз солиғи солинадиган углеводород хомашёси учун акциз солиғини тўлаш бўйича маҳсулот тақсимотига оид битим иштирокчилари бўлмиш чет эллик инвесторлар учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун ҳам тенг шароитлар яратишга йўналтирилган.

Сўнгра сенаторлар «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни кўриб чиқдилар. Қонун истеъмолчиларни, ички бозорни қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситалари кириб келишидан ҳимоялашнинг янада самарали ҳуқуқий базасини яратиш имконини бериши, дори воситаларини тайёрловчи корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини Ўзбекистон ҳудудида дори воситаларининг ғайриқонуний нусхалари айланишидан ҳимоя қилиши кўрсатиб ўтилди.

Мазкур Қонунни ривожлантириш юзасидан сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳам маъқулланди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Қонун билан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки ўтказганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилайди.

Мажлисда моддий ва номоддий маданий мерос объектларини унификация қилиш, уларни тегишлича муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилган «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонун маъқулланди.

Юқори палата аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонунни кўриб чиқдилар. Қонун фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, адвокатура институтининг мақомини ва ролини ривожлантириш ҳамда ошириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатига ушбу тузатишларнинг киритилиши вакиллик институтини турли тузилмалар, юридик маълумотга ҳамда юридик хизматлар кўрсатиш учун тегишли лицензияга эга бўлмаган шахслар билан алмаштириш, фуқароларнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий зарар етказишга йўл қўядиган шароитни бартараф этиш имконини берадиган ҳуқуқий базани яратади.

Сенаторлар «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилиш асносида у амалдаги ҳуқуқий нормаларни, идоравий қоидалар ва халқаро стандартларнинг қоидаларини мунтазам ҳолга келтирганлигини кўрсатиб ўтдилар. Қонун Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини аниқлаб беради.

Сенат аъзолари томонидан кун тартибига киритилган бир қатор бошқа қонунлар ҳам кўриб чиқилди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн саккиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (мазкур Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, мазкур Қарор эълон қилинган кунга ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-банди – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) мазкур Қарорнинг 1-4, 6 ва 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган шахсларга;

г) мазкур Қарорнинг 2, 4-7-бандлари муқаддам амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли Қўмита ва Комиссиялари мазкур амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

10. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъуллик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 август.


ЎзХДП фаоллари ташаббуси билан

ҲАШАР ЭЛНИ БИРЛАШТИРАДИ

— Бундай тадбирларда одамлар бир-бирларини яқиндан билиш, суҳбатлашиш, синаш имконияти бўлади, ўзаро меҳр-оқибат кучаяди, — дейди 80 ёшни қоралаётган бўлишига қарамасдан, ҳашарда фаол иштирок этаётган Қурбонали Муҳаммедов. — Сабаби, ҳашарга биров бировни мажбурлаб олиб келмайди, ҳамма самимий ва холисона иштирок этади. Ёшларни кўпчилик ишига жалб этиш эса амалий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан ташкил этилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳашарида иштирок этаётган Қурбонали ота ёшларга яна кўп насиҳат қилди, ҳашар билан боғлиқ бошидан кечирган воқеаларни гапириб берди.

— Ҳашардан кўзланган асосий мақсад икки қутлуғ байрамни муносиб қарши олишга тайёргарлик ишларига ўз муносиб ҳиссамизни қўшишдир, — дейди ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Эрдон Мардонов. — Эътиборингизни ЎзХДП фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ёшлар иштирокидаги ушбу ҳашар айнан пойтахтимиздаги Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Ботаника боғида ўтказилаётганига қаратмоқчиман. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Пойтахтимизни кўкаламзорлаштиришда мана шу боғнинг ўрни катта. Қолаверса, она табиатни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.





Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

— Дугоналарим билан ҳашарда иштирок этаётганимиз менга қувонч бағишламоқда. Негаки, бу тадбир ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтиришга хизмат қилади, дўстларимизнинг кўпайишига сабаб бўлади, — дейди Гидрометеорология коллежи ўқувчиси Мамлакат Каримова. Унинг фикрларини дугонаси Зилола Бердиқулова давом эттирди:

— Ҳашарда жамиятнинг фаол аъзолари — депутатлар, партия етакчилари билан бирга, тенгма-тенг иштирок этаётганимиз умум иши учун ҳам бирдек масъул эканмизни англадик. Шу баҳонада улар билан юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида суҳбатлашиш, саволларимизга жавоб олиш имконига эга бўлаяпмиз.

— Боғимиз майдони 66 гектар бўлиб, унда 6 мингдан зиёд ўсимлик турлари ва навлари парвариш қилинади, — дейди Ботаника боғи директори ўринбосари Атиргул Холмирзаева. — Бу ўсимликлар Осиё ва Европа мамлакатлари, Кавказ, Узоқ Шарқ ўлкалари, Шимолий Америка, Хитой, Ўрта ер денгизи бўйларидаги мамлакатлардан келтирилган. Юртимизни кўкаламзорлаштириш учун лола дарахти, пирамидал эман, пушти гулли акация, лекоран акация, йирик баргли жўка ва бошқа манзарали дарахтлардан фойдаланамиз.

Тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева ҳамда Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Учқун Шойимқулов ҳашарчиларни Мустақиллик куни ва пойтахтимизнинг юбилейи билан табрикладилар. «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори Бобоқул Тўхтаев меҳнат жамоасининг илмий ва амалий ишлари, режалари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Нилуфар НАЗАРОВА

ЎзХДП ҳаёти

ЮЗ КЎНГИЛ ҚУВОНЧИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Избоскан туман кенгаши туман молия, ижтимоий таъминот бўлимлари билан ҳамкорликда юз нафардан зиёд якка-ёлғиз, ногирон ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларини байрам дастурхонига таклиф этди. Тадбирда сўзга чиққанлар Истиқлол йилларида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва улар учун яратилаётган имтиёзлар хусусида гапиришди.

Беш нафар якка-ёлғиз ногиронга махсус аравача, беш нафар ўқувчининг ҳар бирига 40 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчалари топширилди.


— Бизни йўқлаганларидан жуда хурсанд бўлдим, — дейди Чувама қишлоғилик биринчи гуруҳ ногирони Маҳмудахон Деҳқонова. — Меҳр-оқибат кўрсатганлари учун ташкилотчиларга кўп раҳмат.

Байрам тадбирида Маданият ва спорт ишлари бўлимининг «Олтин соз» дастаси хонандаю созандалари, раққосаларининг чиқишлари кўнгилларни янада хушнуд этди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкентнинг 2200 йиллигига

КАТТА, ОБОД, КЎРКАМ ШАҲАР...



Тошкент ўзининг 2200 йиллик шонли тарихи давомида «Ши», «Чоч», «Шош» ҳамда «Бинкат» каби номлар билан аталган. «Чоч» сўзи «қимматбаҳо тош шаҳри» деган маънони англатган. Араблар эса уни «Шош» ва «Мадинат аш-Шош» тарзида қўллаганлар.

VIII аср бошларида юз берган араб истилоси оқибатида Мингўрикда жойлашган илк ўрта асрлардаги марказий шаҳар вайронага айланиб, ҳувиллаб қолади. IX–X асрларда яшаган тарихчи Табарий бу ҳақда «кўп қишлоқлар ёқиб юборилган эди» дея ёзади.

IX асрда Мингўрик вайроналаридан 8 км. шимолий-ғарбда, ҳозирги Бўзсув ва Кайковус канали атрофида янги, кўркам шаҳар барпо этилади. Аввал бу жой ботқоқлик бўлиб одамлар уни ўзлаштириб, обод шаҳарга айлантиради. Тошкентнинг ҳозирги Эски шаҳар қисми ўрнида бўлган ушбу тарихий кент ёзма манбаларда кўпроқ — Бикас, Бинкат номлари билан учрайди.

X асрда яратилган «Ҳудуд ул олам» («Оламнинг машриқдан мағрибгача бўлган чегаралари ҳақида китоб») асарида бу ҳақда шундай дейилади: «Бинкат – Чоч вилоятининг касабаси эрур, катта, обод ва кўркам шаҳар...»


Асар муаллифи таъкидлаганидек, Бинкат IX–XII асрларда Чочнинг пойтахти даражасига кўтарилади. Узунасига ҳам, кўндалангига ҳам 1 фарсах (6 – 8 км.) га тенг жойни эгаллаган шаҳар тузилиши жиҳатдан Ўрта Осиё шаҳарсозлигига хос бўлган ҳукмдор ўрдаси — арк, ички шаҳар, яъни шаҳристон ҳамда ички ва ташқи работларга бўлинган.

Манбаларда келтирилишича, хом ғишт ва пахсадан қурилган иморатлар ўзининг улуғворлиги билан кишиларни ҳайратга солган. Шаҳар сувга ниҳоятда сероб бўлиб, ҳар бир ҳовлидаги ариқдан зилол сув оқиб турган. Ўрта аср тарихчилари Бинкатни ғоятда кўкаламзор ва Мовароуннаҳрдаги энг тоза, баҳаво шаҳарлар қаторида таърифлайдилар.

IX-X асрларда яшаган географ олим Истахрий ҳайрат ила шундай ёзади: «Масжидларнинг кўплиги, турар жойларнинг кўркам ва кенглиги, одамларининг мард ва жасурлиги жиҳатидан бошқа бирор жой унга тенг келолмайди. Шош вилоятининг пойтахти бўлган Бинкат шаҳри текисликда жойлашган бўлиб, бутун майдони яшиллик билан қопланган. У Мовароуннаҳрдаги энг тоза шаҳар ҳисобланади».

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, иқтисодий жиҳатдан жуда тез ривожланган Бинкат XI асрга келиб ўз тараққиётининг юксак чўққисига кўтарилади. Бу даврда шаҳар йирик маъмурий, савдо ҳамда ҳунармандчилик марказига айланади.

Шаҳар атрофида суғориш тармоқлари ҳамда карвон йўллари бўйлаб катта-кичик қишлоқлар жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳунармандчиликнинг маълум бир тури бўйича ихтисослашган. Ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан бу қишлоқлар



Бинкатнинг ички ва ташқи савдосини жонлантирибгина қолмай, унинг иқтисодий тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутган.

Шаҳарнинг географик қулай ўрни унинг имкониятларини янада оширган. Чотқол ва Қурама тоғ конларига яқин бўлган Бинкатда маъданларнинг қайта ишланиши ҳунармандчиликда муҳим аҳамият касб этган. Конларда олтин ва кумуш билан бирга мис, темир, қалай ҳамда бошқа кўплаб ер ости бойликлари қазиб олинган. Айниқса, Шош ферузаларининг бутун Шарққа донғи кетган бўлиб, Абу Райҳон Берунийнинг маълумот беришича у ниҳоятда юқори баҳоланган. Шунинг учун айрим тарихий манбаларда Бинкат «Феруза шаҳар» деб ҳам номланган.

Бинкат ҳунармандлари Пискомнинг юқори оқимидаги манзилда металл хомашёси – крицалар (юмшоқ темир) тайёрлаганлар. Конларнинг битмас-туганмас хазинаси темирчиликнинг тараққий этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Чунончи, археологик қазишмалар чоғида металлдан тайёрланган кўплаб қурол-яроғ ҳамда уй-рўзғор буюмлари — қайчи ва игналар топилганлиги шундан далолат беради.

Таниқли географ ва сайёҳ Мақдисий ўз асарларида «Бинкатнинг сопол идишларига тенг келадигани йўқ» деб таъкидлайди. Зеро, IX–XI асрларда Бинкатнинг бадиий сопол буюмлари такомиллашиб, ангоб ва жилвирлашнинг янги технологиялари ўзлаштирилган. Безатишнинг ўзига хос хусусиятлари пайдо бўлган.

Хусусан, Бинкат кулолчилик намуналарининг бетакрор услубий жиҳатлари Самарқанд ва Хоразм каби ҳунармандчилиги тараққий этган шаҳарлар маҳсулоти билан солиштириб кўрилганда, кўзга яққол ташланади. Бу ерда ишланган оппоқ ангобли ва ялтироқ сирли сопол буюмларга турфа хил геометрик нақшлар ва жониворлар тасвири туширилган. Бинкатнинг қўли гул усталари томонидан яратилган норин товоқлар, коса ва нимкосалар, қаймоқдон, сиёҳдон ва тақсимчалар, бежирим чироқлар ўз даврининг энг ажойиб санъат дурдоналари ҳисобланган.

Аҳамиятлиси, айрим сопол буюмларга миллатимизга хос бўлган ибратли сўз ва мақоллар куфий ёзувида безак сифатида туширилган. Хусусан, ЎзРФА археология бўлими қошидаги музей экспонатлари орасида сиртига «Ким кўп гапирса, кўп янглишади», «Ишга киришиш пушаймонликдан халос этади», «Сукут сақласанг тинч бўласан, сўзласанг фош бўлаверасан» каби теран маъноли панд-насиҳатлар ёзилган нодир санъат намуналари сақланади.

Бинкат тўқимачилик ва гиламдўзлик соҳаларида ҳам минтақада етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Манбаларда жун ва пахтадан тўқилган газламалар, чодирлар, жойнамозлар, чарм буюмлар, қопламаси теридан бўлган эгарлар, намат ва ўтовлар ҳақида маълумотлар берилган. Бинкатда тўқилган кийим-кечаклар сифатлилиги билан донг таратган эди.

Муҳим савдо йўлида жойлашган шаҳар ҳунармандларининг моллари хорижга мунтазам чиқариб турилган. Бу ҳақда «Йўллар ва йиллар ҳақида китоб» асарида шундай дейилган: «Бинкатдан бошқа юртларга темир буюмлар, эгар-жабдуқлар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари олиб кетиларди, Тошкент камонлари ва нафис идиш-товоқлари билан шуҳрат қозонган эди».

Бу ерда етиштирилган шойи, пахта, ёнғоқ ва унинг мағзи, шунингдек, халанж чўпи — яъни тол новдасидан тўқилган саватлар хорижда энг харидоргир маҳсулотлар ҳисобланган. Айниқса, Бинкат ҳунармандлари томонидан ясалган камон бутун Шарқ дунёсида «Камони Шоший» номи билан жуда ҳам машҳур бўлиб, уларнинг узоққа отилиши ва нишонга бехато тегиши тарихчи олимлар томонидан таърифланган.

Ҳунармандларнинг бозор учун кўплаб маҳсулот етиштириб берганлиги ва савдонинг юксалганлигини муомалага чиқарилган кўпдан-кўп маҳаллий кумуш ва мис тангалардан ҳам билса бўлади. Кумуш тангалар ҳатто сотиш маҳсулоти сифатида Шарқий Европага ҳам олиб кетилган. Ўша даврга оид кумуш дирҳамларнинг анчаси Москва, Новгород ҳатто Финляндия ва Даниягача бўлган кенг ҳудудлардан топилган. Бу Бинкатнинг ушбу мамлакатлар билан қизғин савдо алоқалари олиб борганлигидан далолат беради.

Ўз навбатида маҳаллий бозорлар ҳам ноёб ҳунармандчилик маҳсулотлари билан тўлдирилган. Ўрта Осиёдаги қадимий савдо марказларидан бири – ҳозирги Эски Жўвада бежирим шарқона матолар, шиша ва металл буюмлар ниҳоятда мўл бўлганлиги манбаларда қайд этилган.

Бинкатнинг X–XI асрларда тараққий этган ҳунармандчилик соҳалари орасида шишасозлик ҳам катта мавқега эга бўлган. Академик А. Муҳаммаджоновнинг фикрича, Тошкент шишасозлари Самарқанд, Бухоро ва Ахсикат шаҳарлари усталаридан қолишмайдиган даражада ҳунар ва маҳоратга эга бўлган.

Хусусан, археологик қазишмалар чоғида аниқланган устахона қолдиқлари орасидан графинлар, бокаллар, кружкалар, флаконлар, кўзачалар, бешик анжомлари — тувак ва сумаклар топилган бўлиб, уларнинг сиртига ўйма ва қабартма нақшлар берилган. Шунингдек, нозик дид билан ишланган кимёвий идишлар Бинкатда тиббиёт ва алкимёнинг юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Бугунги кунда ушбу нодир экспонатлар ЎзРФА археология бўлими қошидаги музейда сақланмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, X–XI асрларда Бинкат деб номланган Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий тараққиётида ўзига хос юксалишлар даври бўлган.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давлат мукофоти соҳиблари

— Омон ака, буюк байрамимиз олдидан Президентимиз Фармони билан сизнинг «Навоий ва рассом Абулхайр» асарингиз Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирланган қўп мухлисларингизни, жумладан, бизнинг газетхонларимизни қувонтирди. Қўшалоқ байрам сизга қанот бахш этганини сезиб турибмиз.

ЎН САККИЗИНЧИ САҲИФА

Таниқли адиб, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати Омон МУХТОР билан суҳбат


— Шубҳасиз. Менга, менинг ижодимга кўрсатилган эътиборни қадрлайман, буни бутун адабиётимизга нисбатан меҳрибонлик натижаси деб тушунаман. Шу билан бирга, бу менга катта бир масъулият юклаганини ҳис этаяпман. Мустақиллик йиллари мен учун баракали келди, кўп асарлар ёздим. Лекин ўз ишидан қаноатланмаслик ижодкорга хос. Давр илгарилаб кетди, биз югурган билан етиб ололмаётгандек таассурот уйғотади. Албатта, даража одамни ўзгартирмайди, ҳар ҳолда ўзгартирмаслиги керак. Шунинг баробарида, чинакам адабиёт ривожланишига — вақт, имкон топиб, алоҳида ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиз олдида, юртимиз, халқимиз, Мустақиллик олдида қарздорлик туйғуси доим кўнглимда сақланган. Бу туйғу мени янги бир ғайрат билан изланиш, ёзишга чорлаяпти.

Аҳамият берганмисиз, эскидан рақамлар сирга, ҳикматга эга. «Ўн саккизга кирмаган ким бор?» деганларидан тортиб «Ўн саккиз минг олам» деган тушунчагача кишини ўйлантиради. Бу йил мустақиллигимизнинг фақат навбатдаги санаси эмас, балки ўн саккизинчи саҳифаси эканлиги ҳам менга чуқур маъноли бўлиб туюлади. Ўн саккиз йил ичида юрт манзараси шу қадар ўзгариб кетдики! Ҳаёт тарзи шу қадар ўзгардики, лол қоласиз! Тафаккур биринчи ўринга чиқаётгани табиий ҳол. Муҳими, Президентимиздан фуқарогача — пок ниятли барча кишилар бунёдкорлик ҳисси билан яшаяпти, юртимиз янада обод бўлсин, халқимиз ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ, бахтлироқ яшасин, деб курашаяпти. Бу ҳолат ҳар қандай зиёлини, айниқса, ёзувчини тўлқинлантиради. Бурчли бўлишга даъват этади. **«Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, аввалambor буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди».** Анча-мунча дунё кўрганман, бунинг устига баландпарвоз гапдан йироқман, лекин то ҳозир бирон давлат раҳбари адабиёт бобида шундай танти, одил фикр юритганини учратмадим. Бу сўзларнинг ўзиёқ қўлингга қалам олганингда чуқур хаёлга ботишга ундайди.

— Адиб сифатида, Омон ака, ўйлаганмисиз, айтинг, жаҳон адабиёти майдонида ўзбек адабиётининг аҳволи қандай? У муносиб ўрин эгаллаганми?

— Бизнинг адабиётимиз катта адабиёт. Яссавий, Навоий, Бобур номларини жаҳон билади. Асрма-аср тушсак, шундай буюк адибларимиз саф тортиб келадики, ҳар қандай адабиёт кўксига уриб фахрланса арзийди. Лекин ўзбек адабиёти оғир йўл кечган, Фитрат, Қодирий, Чўлпонлар ёки анча бурун яшаб ўтган Машраб қисматини айтиб ўтирмайман, — ўзингиз биласиз, адабиётга меҳрибонлик билан қайғуриб қараш қаёқда, унга аксар тўсқинлик қилинган. Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йиллари умидга тўлиб ёзган эдим:

Адабиёт — гўзал бир от,
Шундай бир отки,
Ҳар кимни миндирмас устига,
Минганда ҳам ташлар ағдариб,
Дунё — адабиётсиз ғариб.
Бу отни гоҳида отдилар,
Бу отни гоҳида сотдилар,
Одамлар ғафлатга ботдилар —
Дунёнинг тушунмай баланд-пастига,
Сўнг дунё янгидан излади нажот.
Ўсиб борар гўзал бир от —
Адабиёт...



Қолаверса, адабиётимиз тарғиботи кўпинча суст бўлган. Ўзимиздан комил таржимонлар чиқиб Адабиётимизнинг бор бўй-бастини кўрсата олсак, у жаҳондаги ҳар қандай адабиёт билан бемалол беллашади! Шунинг баробарида, кечаги кунлар маълум муддат Адабиёт издан чиқиб кетди. Ёзувчи бор имкониятини ишга солиб эркин асар яратди, деёлмаймиз. Юрт деган сўзни, миллат деган сўзни айтиш бошни кундага қўйиш билан баробар бўлган шароит эди-да! Бундан ташқари, инсон бир томондан қўлга киритилган ютуқлар билан фахрланса, иккинчи томондан, бундан кўра кўпроқ, янги вазифаларни бажаришга мажбур. Тикланаётган бино ўз ҳолида қолмаслиги, ҳар бир авлод ўз даври талабини англаб, бино юксалсин учун ғишт теришдан тинмаслиги керак.

— Сизнинг қатор романларингизда тарих ва замон ёнма-ён келади. Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган романларингизда ҳам бу кунги қаҳрамон «тарихга кириб боради». Бундай услубда ёзишингизга сабаб нима?

— Энг аввал, Мустақиллик буюрмаса, мен бошқа асарларимни ҳам, бу асарни ҳам ёзолмас эдим. Тасаввур қилинг, буюк Алишер Навоийни миллатдан, эътиқоддан, муҳаббатдан «узиб қўйган» ҳолда қандай тасвирлаш мумкин? Мустақиллик биринчи навбатда фикр озодлигини олиб келди. Бу кунги ёшлар, эҳтимол, биқиқ ҳаводан тоза ҳаво қанчалик фарқ қилишини ақлига сиғдира олмас?! Мустақиллик тенгдошлари бу йил ўн саккизга кирди, улар кечаги кун руҳ қуллиги ижодкорнинг (балки, бутун халқнинг) тилига ҳам, дилига ҳам оғир кишан солганини китобдан ўқимаса, ҳаётда кўрмаган, билмайди, ҳис этолмайди, ҳатто кўз олдига келтиролмайди. Мен мана шу озодликка етиб келган авлод нигоҳидан тарихга назар ташлайман. Қаҳрамонларим ёшми, кексами, бу кунги кенг имконият майдонидан тарихни ўзлаштиришини акс эттиришга ҳаракат қиламан...

Буюк Алишер Навоий шахси, унинг ижоди мени болаликдан қизиқтирган. Кейинчалик бу ҳақда шеърлар, мақолалар ёздим, романларимда оз-оздан мурожаат қилдим. Ниҳоят, янги замон руҳида романлар ёзиш заруратини ҳис этдим. Ишга киришганимда, мен Навоийни биламан, деб юриб, биз, кўпчилик бу борада ҳали «Алифбо»дан нарига ўтмаганимиз, деярли уни билмаганимизга қаноат ҳосил қилдим. Уни қайта-қайта ўқиш, ўрганиш керак.

— Омон ака, шу қутлуғ байрам кунлари газетхонларга тилакларингизни, кейин янги режаларингизни айтсангиз.

— Гапни режалардан бошлай қолай. Буюк Навоийга бағишлаб яна бир роман ёзишни ўйлаб юрибман. Насиб этса, яқин орада ишга киришаман. Тахминан ўттиз-қирқ йилдан буён «Денгиз туби, саҳро қаърида ёхуд Ватан фарзандлари» деган роман устида ишлаб келаман, насиб этса, шу йиллар у ҳам ниҳоясига етар...

Ўзимга нимаики эзгулик тиласам, газетхонларга ҳам тилагим шу! Биз тинч-осойишта, бахтли-серқуёш Ватан фарзандларимиз! Байрам элники. Ҳар бир хонадонда байрам нафаси уфурсин! Мустақиллик байрами барчамизга муборак бўлсин!

Суҳбатдош:
Ғаффор ҲОТАМОВ

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти

«МЕН МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИМАН»

— Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган йили таваллуд топганман, — дейди Бухоро шаҳридаги 9-оилавий шифохона ҳамшираси Муяссар Қурбонова. — Истиқлол берган барча имкониятлардан баҳраманд бўлиб коллежда таҳсил олдим. Бу йил уни тугатиб, ўз севган касбим бўйича ишга жойлашдим. Анчадан буён мулоҳаза қилиб, мана бугун ўзим тарафдори бўлган ЎзХДПга аъзо бўлдим. Бу мен учун қувончли, албатта, аммо ўзига яраша масъулияти ҳам бор.

Муяссар Қурбонова каби юзида қатъият ва ишонч акс этиб турган бир гуруҳ ёшларни Бухоро шаҳар партия кенгашида учратдик. Улар «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан истиқлолнинг 18 йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Мен Мустақиллик тенгдошиман» мавзуидаги маданий-маърифий тадбир иштирокчилари экан.

— Бугун ёшларимиз мамлакатимиздаги ҳар бир ўзгаришга ва кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга бефарқ эмас, — дейди шаҳар партия кенгаши раиси Робия Козимова. — Партиямиз «Истиқбол» ёшлар қаноти атрофида жипслашган ёшлар фаолияти бунинг ёрқин далилидир. Бугун сафимиз ўсиб-улғайиб келаётган йигит-қизлар ҳисобига кенгайиб бораяпти. Уларнинг партия дастурий мақсадларини амалга оширишга қаратилган ташаббускорлиги, янги фикрлари диққатга сазовор.

— Биз илм оламиз, ҳунар ўрганамиз, десак, барча шароитлар мавжуд, — дейди «Ёшлик» маҳалласида истиқомат қилувчи Нозим Рашидов. — Мен солиқ коллежида таълим олмоқдаман. Замонавий, энг сўнгги жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналарида таҳсил олишнинг ўзгача масъулияти бор. Юртимиз тинчлиги, оилаларимизнинг фаровонлиги, эришаётган ютуқларимиз, ёшларга бўлган эътибор — буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидир. Бу борада жудаям омадлимиз. Муносиб фарзанд бўлиш эса бурчимиздир.

Тадбирда Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳамза Муҳаммедов, вилоят партия кенгаши раисининг ўринбосари Баҳриддин Муҳиддинов, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Ориф Хўжаев ва бошқалар сўзга чиқиб, ёшларни Мустақиллик айёми билан табрикладилар. Бу кунларга етгунча халқимиз бошига тушган кунлар, чекилган азоб-уқубатлар ҳақида фикр юритдилар. Бугунги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётнинг қадрига етиш зарурлигини таъкидладилар. Шунингдек, ЎзХДП сафига янги қабул қилинган йигит-қизларни муборакбод этдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Бухоролик Абдуҳолиқ Абдуқодирбек ўғли дўсти Мирзаюнус таклифи билан Марғилонга меҳмонга боради. Иттифоқо отдан йиқилиб, оёғи лат еган Абдуҳолиқ жароҳатлари битгунга қадар унинг уйида яшайди. Шу вақтларда Робия исмли қизга ишқи тушиб, унга уйланади ва Марғилонда қолиб кетади. XX асрнинг тараққийпарвар зиёлиси, биринчи ўзбек тоғ-кон инженери Обиджон Маҳмудов ана шу оилада дунёга келди.

ВАТАНПАРВАР ЗИЁЛИ ЭДИ



Акаси Миродил билан яшаган Обиджон Қўқоннинг Шайхон маҳалласидаги эски усул мактабида таълим олади. Дарсдан бўш пайтларида акасидан мумчилик ҳунарини, поччаси Мирзакарим заргардан эса савдо-сотиқ сир-асрорларини ўрганади.

Обиджон Маҳмудов 1894-1895 йилларда Каспий денгизи бўйида жойлашган Челекан ярим оролида тўртбеш йил тадбиркорлик билан шуғулланади. Омади келиб, шерикчиликда сотиб олган еридан «қора олтин», яъни нефть вулқондек отилиб чиқади. Челеканга сариқ чақасиз келган йигит 1901 йили юртига йирик сармоядор бойлардан бири бўлиб қайтади. Бор-йўғи бошланғич маълумот олган йигитнинг ишлари юришиб кетиб, Фарғона водийсининг бир қатор ерларидан нефть, олтингугурт ва мум конларини сотиб олади.

Шундан сўнг тажрибасини ошириш мақсадида Петербург университетининг тоғ-кон факультетида таълим олади ва Ўрта Осиёдан етишиб чиққан биринчи ўзбек тоғ-кон инженери деган шарафли номга сазовор бўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, Обиджон Маҳмудов Чўлпоннинг 1914 йилда нашр этилган «Дўхтур Муҳаммадёр» ҳикоясининг майдонга келишида прототип бўлиб хизмат қилган.

Обиджон олий маълумотли тадбиркор бўлиш билан бирга, ўз даврининг тараққийпарвар зиёлиларидан бири эди. У киши бошқа илғор маърифатпарварлар қаторида 1911 йилда Ҳайдарбек маҳалласида янги усул мактабини очади. Уни барча замонавий ўқув анжомлари билан таъминлаб, таниқли адабиётшунос олим Азиз Қаюмовнинг отаси Пўлатжон Қаюмовни мудир этиб тайинлайди. Айни пайтда у Қўқондаги бошқа жадид мактабларига ҳам ҳомийлик қилади.

Жадидлар халқни уйқудан уйғотиш, дунёда Ҳуррият, Бахт, Саодат деган буюк қадриятлар ҳам борлигини айтиш, унга фақатгина илм, юксак маънавият ва маърифатга эришиб, баҳра олиш мумкинлигини англатиш мақсадида газеталар нашр этишни йўлга қўяди. Бунда Обиджон Маҳмудовнинг ҳам ҳиссаси беқиёс, албатта. Кўплаб нашрларни моддий жиҳатдан таъминлаш билан бирга, ўзи ҳам Қўқонда босмахона ташкил қилиб, газеталар чиқара бошлайди. Обиджоннинг дастлаб «Садои Фарғона», кейинроқ эса «Тирик сўз» газеталари аҳолига бепул тарқатилади. Қисқа фурсат мобайнида фаолият юритган ушбу нашрлар чор ҳукумати томонидан тақиқланади. Сабаби, уларда XX аср ўзбек зиёлиларининг ҳуррият ва миллий тараққиёт туйғулари ўз ифодасини топган эди. Обиджон Маҳмудов ҳам ўзининг мақолалари ва уларда кўтарган долзарб масалалари билан Фарғона жадидларининг илғор вакиллари сафидан мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Туркистонда аввал мухторият, кейин эса тўла мустақил давлат тузишни мақсад қилган жадидлар 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўзларининг IV қурултойига тўпланадилар. 27 ноябрь куни эса қурултой Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тузилганини эълон қилади. Обиджон Маҳмудов ана шу ҳукуматнинг озиқ-овқат нозири этиб тайинланади.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлишини жуда орзу қилган Обиджон Мухториятнинг иқтисодий ҳаёти билан бирга, аскарларни қуроляроғ билан таъминлаш масаласига ҳам катта аҳамият берган. Аммо, миллат зиёлилари томонидан тузилган ушбу ҳукумат 1918 йил 19-20 февраль кунларида зўравонлик билан ағдарилади. Мухториятнинг барча раҳбарлари қаторида, Обиджон Маҳмудов ҳам ўша даврдаги мустабид тузум хизматчилари томонидан қамоққа олинади.

Бироқ, Обиджоннинг тадбиркорликдаги ноёб қобилиятини пайқагач, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдалана бошлайдилар. Дастлаб уни Москвада ташкил этилган пахта бўлимига ишга юборадилар. Бир йилдан кейин Обиджон Маҳмудов Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг Москвадаги Доимий ваколатхонасида Матбуот бўлимини бошқаради. 1920 йил апрелида эса Туркистон Ташқи алоқалар бўлимининг Фарғона водийсидаги информатор агенти этиб юборилади. У шу йили Бокудаги Шарқ халқлари қурултойида ҳам қатнашади. Қайтиб келгач, Шарқ озодлик иттифоқининг Тошкент ҳамда Қўқон шаҳар бўлимларини ташкил этади. 1922 йили ота юрти Бухорога юборилиб, савдо ва саноат нозирлигининг Ташқи савдо бўлимида хизмат қилади.

Бироқ, Обиджоннинг ана шу йиллардаги ҳаёти фақат таъқибу тазйиқлардан иборат бўлди. Мустабид тузум раҳбарлари унинг ҳар бир босган қадамини назорат қиларди. Ўз навбатида ҳамиша миллат тақдири учун курашиб келган Обиджон Маҳмудовнинг мустабид тузум билан муроса қилиб яшаши амри-маҳол эди.

Мустабид тузум Обиджоннинг Фарғонадаги нефть, озокерит, олтингурут ва мум конларини миллийлаштириб, унга булардан фақат ижарачи сифатидагина фойдаланиш имконини беради. Шундан ҳам қаноатланмаган ҳукумат 1926 йилда уни учинчи марта қамоққа олади. Уни асоссиз айблар билан 5 йилга озодликдан маҳрум этишади. Суд жазо муддатини Соловец оролларида ўташ ҳақида ҳукм чиқаради.

Озодликка эришгач, у яна тоғ инженери сифатида изланишларини давом эттирди. Хусусан, 1933 йили Москвада бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик кўргазмасида Фарғона вилоятидаги тоғ конларидан топилган руда намуналари билан иштирок этади.

Обиджон Маҳмудов мустабид тузум томонидан тинимсиз таъқиб қилинади. У охири йўқ терговлару даҳшатли сургунлар натижасида оғир хасталикка чалинади ва 1936 йил 21 ноябрда вафот этади.

Ўзбек диёри узра ҳуррият байроғининг ҳилпираб туришини орзу қилган, бутун умрини маърифат ва миллат тараққиёти йўлига бахш этган Обиджон Маҳмудов ҳақиқий истиқлол фидойиси эди. У халқ хотирасида ана шундай ажойиб инсон бўлиб қолади.

Наим КАРИМОВ

Баркамол авлод орзуси



Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бера бошлади. Бугун нафақат касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, балки болалар спорти иншоотлари, ёшлар ижодиёти марказлари, мактабдан ташқари таълим муассасаларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини бутун халқимиз кўриб, билиб турибди.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида вилоятимизда фаолият олиб бораётган 532 та умумтаълим мактабининг 441 тасида жорий ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, янги ўқув йилига тўртта умумтаълим мактаби ва 3 та болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадларга салкам 75 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Мустақиллик йилларида жаҳон андазаларига тўла мос келадиган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар барпо этилди.

Вилоятимизда жорий йилда ўрта махсус, касб-ҳунар



таълими муассасалари қурилиши учун 15 миллиард сўм маблағ сарфланди. 2009-2010 ўқув йилида умумтаълим мактабларини тамомлаган 33503 нафар ўқувчи таълимнинг кейинги босқичида 5 та академик лицей ва 86 та касб-ҳунар коллежларига қабул қилиндилар. Касб-ҳунар коллежларини битирган 22726 нафар талаба ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмоқда.

Бугун жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандларимизнинг илмий салоҳияти, халқаро фан олимпиадаларида ёшларимиз қўлга киритаётган ғалабалар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини битираётган ёш кадрларнинг халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси, республикамизда хорижнинг нуфузли университетлари филиалларининг очилиши ва халқаро таълим стандартлари талабларига жавоб берувчи бакалавр, магистрларнинг етишиб чиқаётгани таълим соҳасида ислоҳотлар мевасидир.

Урганч автомобиль ва йўллар коллежининг бугунги қиёфаси, таълим-тарбия жараёни самарадорлиги, малакали мутахассис кадрлар тайёрланаётгани ҳам аввало истиқлол шарофатидир.

Айнан мустақиллик йилларида ўқитувчиларимизга чет элларда касб малакасини ошириш учун кенг имкониятлар яратилди. Янги авлод дарсликлари яратиш бўйича қисқа муддатда кўламдор ишлар амалга оширилиб, автомобиль транспорти соҳасига тааллуқли ўндан зиёд дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш йўлга қўйилди. Мавжуд ўқув хоналарининг барчаси замонавий жиҳозланган.

Бугунги кунда коллежда 2000 нафардан зиёд йигит-қиз таълим олмоқда. Уларга 100 дан зиёд ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари, шунингдек, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи», «Халқ таълими аълочиси», «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси» бўлган педагоглар сабоқ бериб келишмоқда.

Ўқув муассасасида 35000 дан зиёд турли соҳаларга оид илмий-оммабоп адабиётлар, дарсликлар, бадиий китоблар ўзида жамлаган ахборот-ресурс маркази фаолият юритиб келмоқда.

Мақсадимиз — ҳар томонлама баркамол авлодни, замон талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш.

Эгамберган КАРИМОВ,
Урганч автомобиль ва йўллар коллежи директори,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳалари қатори энергетика тармоғи ривожига алоҳида эътибор қаратилаётир. Тизимда техник ва технологик янгиланиш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Натижада электр энергияси ишлаб чиқариш ва унинг таъминоти тобора яхшиланмоқда. Айни вақтда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб ишлари такомиллаштирилди, у иқтисод қилинмоқда, тармоқда узилишлар содир бўлмаяпти. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

ТЕЖАМКОРЛИК МАДАНИЯТИ

Айтиш жоизки, қарорда истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш, электр энергияси етказиб берувчилар, айниқса, истеъмолчиларнинг шартномавий мажбуриятларига риоя этишлари учун жавобгарликни ошириш масалалари белгилаб берилган. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш тартиби кўрсатилганлиги эътиборга лойиқдир.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Сергели тумани давлат солиқ инспекцияси муайян ишларни амалга оширди. Хусусан, электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган тўловларга йўл қўйган юридик шахслар аниқланиб, қарзларни корхонанинг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун хўжалик судларига аризалар киритиш тартиби ўрнатилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтган дебитор қарздорлик бирмунча камайишига эришилди.

Туманда ўтган йил 1 май ҳолатига кўра, электр энергиясини истеъмол қилувчи абонентлар сони 50715 тани ташкил этган бўлиб, улардан 799 таси юридик шахслардир. Шу даврда Сергели тумани ДСИ ходимлари томонидан 4 та қонун бузилиш ҳолати аниқланиб, 645,3 минг сўм жарима ҳисобланган ва у тўлиқ ундирилган. 2009 йилнинг 1 июлигача ушбу йўналиш бўйича 2 та қонун бузилиш ҳолати содир этилган. Оқибатда абонентлардан 1120,87 минг сўм жарима ундирилди.

Шунингдек, туман ДСИ томонидан Хўжалик судига 2006 йилда 232 та, 2007 йилда 157 та, 2008 йил 1 майга қадар эса 47 та ариза киритилиб, барча қарзлар суд ижрочилари томонидан ундирилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирда электр энергияси сотиш ҳамда муддати ўтган дебитор қарзларни ундириш масаласи давлат корхоналари билан бир қаторда хусусий операторлар ҳуқуқшунослари томонидан ҳам амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган бундай ишлар, ўз навбатида, ҳар биримиздан электр энергиясини тежамкорлик билан сарфлашни, қолаверса, истеъмол қилинган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида адо этишни талаб этади. Зеро, ҳисоб-китобдаги аниқлик электр энергиясидан оқилона фойдаланишда муҳим омилдир.

Рўзимбой АҲМАДЖОНОВ,
Сергели тумани давлат солиқ инспекцияси бош солиқ инспектори

Шарофати беқиёс бир неъмат бор — бу ИСТИҚЛОЛ. Бугун ҳам унга эришиш учун жони жаҳонини тикишга тайёр, унинг орзусида тунни тонгга улаётган халқлар, миллатлар оз эмас дунёда. Бу ҳақда ўйласанг, тафаккур бизни Оллоҳ таоло ато этган мустақилликни қадрлашга, уни мустаҳкамлаш ишига бор куч-салоҳиятимизни сафарбар этишга ундайди...

НУРАФШОН КУНЛАР

Яратганга шукрларки, юрт раҳнамосининг журъати, жасорати туфайли қарамлик туни Истиқлол тонгига алмашди. Бу тонг улашган заррин ёғдулар кўнгилларни обод этди, дилларга сурур бағишлади. Миллий ва диний қадриятларимиз соҳибига айландик. Ер ости ва ер усти бойликларимиз халқимиз манфаатига хизмат қила бошлади. Қўҳна тарих учун жуда қисқа фурсат — ўн саккиз йилда тараққиётнинг ҳавас қилса арзигулик даражасига кўтарилдик.

Бунинг сабаби нимада? Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ этиш ривожланишнинг муҳим шарти этиб белгиланди. Янгича тафаккурни шакллантиришга, аҳолининг маънавий-маърифий, ҳуқуқий савиясини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бинобарин, янги замон янгича дунёқарашни тақозо этар эди, онгу тафаккурни ўзгартирмай туриб биор муваффақиятга эришиш имконсиз эди. «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидай, инсон қалбига йўл — маънавий тараққиётнинг асосига айланди.

Бизнинг олижаноб фазилатларга бой халқимиз бор. Бу халқ авлод тарбиясига жону-жаҳонини бағишлайди. Таҳсинга сазовор жиҳати, бу фазилат давлат сиёсати даражасига кўтарилганидир. Ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришга, уларнинг онгу шуурига ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслиги руҳиятини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, уларнинг илм-фан, спорт, санъат каби жабҳаларда жаҳоний эътироф қозонаётгани бунинг далилидир.

Ватанни онага менгзайдирлар. Бу бежиз эмас. Зотан, она ёруғ дунёга келишимизга сабабчи бўлган, оқ ювиб, оқ тараган улуғ зот. Ватан эса киндик қонимиз тўкилган, кўз қорачиғидай асрамоққа ва абадий айрилмасга берилган табаррук замин. Она-Ватан дейилиши шундан.

Мусофирлик жафосини тортганлар Ватанни бошқалардан кўра, кўпроқ қадрласалар керак. Бу гапни ўзим шундай қисматни бошдан кечирганим учунгина айтаётганим йўқ. Ахир, Бобур, Фурқат сингари боболаримиз тақдири ҳам бунга далил бўла оладику! Камина ўтган асрнинг талатўпони сабаб узоқ йиллар онажуртдан йироқда яшашимга тўғри келган. Шу боис Ватанимнинг азиз тупроғи кўзларимга тўтиё. Юртдошларимнинг меҳр-оқибатга йўғрилган нигоҳлари кўнглимга бениҳоя яқин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар ҳам Тошкентга бир неча маротаба келганман. Сирасини айтганда, Истиқлол шарофати билан пойтахтимиз таниб бўлмас даражада гўзал масканга айланди. Озода хиёбонларни кезиб дилим роҳатланади. Бетакрор иншоотлар салобатидан кўзларимда қувонч ёшлари ҳалқаланади. Шу кунларга ётказган Тангрига шукроналар айтаман.

Инсон камолотини белгиловчи мезонлар кўп. Шулардан бири, эҳтимолки биринчиси — она Ватан муҳаббатидир. Ақли расо ҳар бир одам киндик қони томган юртини эъзозлаши шарт. Она алласидай тотли, жондай азиз Ватан муҳаббатига ошно кўнгилгина эзгу ишларга қодир бўлади. Ахир Ватан туйғуси ҳатто жониворларга ҳам бегона эмас. Навоий бобомиз буни бениҳоя таъсирчан ифодалаган: «Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо...». Шундай бўлгач, яралмишларнинг энг афзали — ҳазрати инсон қандай қилиб ўз Ватанини севмаслиги мумкин. Бинобарин, она-заминига меҳри чексиз, ҳуррияти-ни ғаюрлардан асрай билган, мудом ёруғ манзилларга интилиб яшаган миллатгина истиқбол ҳақида орзу қилишга ҳақли.

Фикр юритишга қодир ҳар бир одамга аёнки, ўн саккиз йиллик тараққиётимиз осон кечган эмас. Ўзбекистон кўп синовларни бошидан ўтказди. Аввалги қарамлик замонини қўмсайдиган, озодликдай улуғ неъматни майда мақсадлар йўлида қурбон қилишга тайёр кимсаларни ҳам кўрдик. Ёвуз ниятли кучларнинг хуружларига дуч келдик. Шукрона шунинг учунки, биз, муҳтарам Юртбошимиз таъбири билан айтганда, жаҳолатни маърифат билан енгдик, енга олдик. Йўлимиздан адашмай, буюк келажак сари дадил қадам ташлаяпмиз.

Дарҳақиқат, миллатимиз учун энг улуғ, энг азиз бўлган байрам арафасида беихтиёр узоқ ва яқин ўтмишда халқимиз бошига тушган мусибатли замонларни ўйласак, Ватаннинг бугунги озод ва ёруғ, бахтли кунларини кўриш насиб этганидан шукрона қиласан. Қувончинг, ғуруринг жўш уради. Она-юрт учун керак бўлса, жонингни фидо қилишга тайёрлигингни ҳис этасан. Бир-биридан ўктам, оқил фарзандларимизга қараб, кўнгил яна тоғдай кўтарилади... Ватанни севмоқ иймондандир. Бу туйғуни авлодлар онгига эмин-эркин сингдира олаётган эканмиз, бу — Истиқлол берган нурафшон кунлар туфайлидир.

Абдуғани СУЛАЙМОН

«ЎЗПАХТАСАНОАТ»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ



Азиз ватандошларимизни Ўзбекистон Мустақиллигининг 18 йиллиги ва қадимий ҳамда навқирон Тошкентимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Суви зар, тупроғи гавҳар, гўзал ва бетакрор ўлкамизнинг фидокор ва бунёдкор пахтакорларини, барча деҳқонларини қўшалоқ тантаналар билан қутлар эканмиз, юртимизга тинчлик, ҳар бир хонадонга хотиржамлик ва қут-барака тилаймиз.

Истиқлол йўлларимизни равон, дилларимизни мунаввар этаверсин! Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғулари тарк этмаслигини чин дилдан истаб қоламиз. Мамлакатимизнинг дони ҳам, нони ҳам, пахтаси ҳам мўл бўлсин. Элимизнинг ризқига ризқ қўшилиб, фаровонлиги ошаверсин!

КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Бухоро давлат университетининг маънавий-маърифий ишлар буйича проректори, педагогика фанлари доктори, профессор Бахтиёр АДИЗОВ билан суҳбат



— Университетимизда 10 факультет, 44 кафедра, махсус сиртқи бўлим ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази фаолият кўрсатмоқда. 34 таълим йўналиши бўйича бакалавриат, 24 мутахассислик бўйича магистратура, 23 мутахассислик бўйича аспирантура, 4 йўналиш бўйича докторантура мавжуд. Қарийб ўн мингга яқин талабаларимизга 485 нафар малакали профессор-ўқитувчи таълим бермоқда. Улардан 38 нафари фан доктори ва профессор, 210 нафари фан номзоди ва доцентлардир. Шунингдек, республикамизнинг нуфузли олий ўқув юртларидан таклиф қилинган 3 нафар академик, 21 нафар профессор, 29 нафар доцент ҳамкорлик шартномаси асосида талабаларга дарс бермоқда. 1989 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган аспирантурадаги йўналишлар сони 22 тага, 1998 йилда ташкил этилган докторантурадаги йўналишлар сони эса 4 тага етказилди.

«Талабалар шаҳарчаси»даги ёшлар турар жойида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказининг филиалида 80 ўринли ўқув зали тегишли ўқув адабиётлари ва зарур техник воситалар билан жиҳозланган, шунингдек, яқинда замонавий «Ёшлар маркази» ишга туширилди.

Олий ўқув юртида фундаментал, амалий, инновация йўналишларидаги грантларда ҳамда хўжалик шартномалари асосида иқтисодиётнинг тегишли тармоқларининг техник ва технологик муаммоларини ҳал қилишда қатнашаётган иқтидорли талабалар сони 365 нафарни ташкил қилади. Жорий йилда ёш олимлардан 5 нафари Бельгия, Франция, Финляндия ва Туркия давлатларининг грантлари ғолиби бўлишиб, шу давлатларнинг нуфузли университетларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар.

— Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ташкилий-тадбирий жараёнлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Университетда ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва спорт билан шуғулланишларини ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган таълим-тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни янада кучайтиришга қаратилган дастурлар асосида қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу борада ёшлар орасида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, унинг самарали методикаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш лозим. Талаба-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган «Қувноқлар ва зукколар», «Энг яхши нотиқлар», «Ғазалхон ёшлигим», «Мумтоз мусиқамиз наволари», «Сўз ва соз сеҳри», «Меъмор-2009», «Ижодкор ёшлар», «Ягона-сан, муқаддас Ватан!» каби мавзуларда ўтказилган кўрик-танловлар ишимизни жонлантиришда муҳим омил бўлди. Битирувчи-ёшлар ўз ихтисосликлари бўйича эгаллаган билимларини ҳаётга татбиқ этишлари, ишга жойлашишлари устидан мониторинг ва назорат ишлари кучайтирилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун санаторий-профилактория-ларда соғломлаштириш ва даволаш курслари ташкил этилди.

Ҳафтанинг пайшанба кунлари факультетларда режа асосида «Маънавият куни» тадбирлари ўтказилади. Тажрибали 25 нафар профессор-ўқитувчидан иборат тарғибот гуруҳи томонидан Бухоро вилояти ташкилот ва корхоналарида кенг қамровли маънавий-маърифий ишлар олиб борилмоқда.

Университет қошидаги Тил марказида корейс, япон, араб, форс, итальян, француз тилларини ўргатиш бўйича курслар ташкил этилган.

— Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида кўнглингиздан нималар ўтмоқда?

— Эришаётган ютуқларимизнинг барчаси истиқлол берган имкониятлар туфайлидир. Мустақил юртимиз келажаги биз тарбиялаётган кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Яқин ўтмишдаги шароит билан ҳозиргисини таққосласак, бугунги имкониятлардан қалбимиз ифтихорга тўлади.

Барча юртдошларимизга шонли Истиқлолимизнинг 18 йиллиги муборак бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Суҳбатдош: Зулхумор ЎРОЛОВА.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

халқимизни энг улуғ ва энг азиз байрам — мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан чин дилдан қутлайди.

Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингиздан қут-барака, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК
214-машиналашган темир йўл станцияси

сертификатлаштириш идоралари учун ИСО 9001:2008 талаблари асосидаги сифатни бошқариш тизимини сертификатлаштириш бўйича танлов эълон қилади.


Мурожаат учун тел/факс (8 375) 522-06-48.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ:

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШДИ





Дунёда рўй бераётган иқтисодий-молиявий инқирознинг салбий оқибатларидан миллионлаб одамлар азият чекмоқда, истеъмол бозоридаги эҳтиёжнинг пасайиб кетиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми камайиб, иш ўринлари қисқармоқда. Шундай шароитда Президентимиз асос солган иқтисодий модель ҳар тарафлама мукаммаллигини амалда исботлади. Буни мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан бири бўлмиш Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугун бу ерда ўн мингдан зиёд ишчи-мутахассислар меҳнат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчиларидир.

Заводга 2009 йилнинг биринчи ярмида 1646000 тонна миқдорида хомашё етказиб берилди. Бундан ташқари, толлинг асосида «Стемфорт Капитал», «ЎзГазОйл», «Газанфар нефтгаз», «Генсер ЛТД», «Эмко Энержи» ва бошқа компаниялар билан шартномалар тузиб иш олиб борилди. Ишлаб чиқаришдаги узлуксизликнинг таъминланиши туфайли нефть маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш режаси 100,6 фоизга ортиғи билан бажарилди. Ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати қарийб 10 фоизни ташкил этди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш



Солиштирма нархларда 668,4 миллиард сўмлик нефть маҳсулоти, 121,3 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Натижада 2008 йил I ярим йиллигига нисбатан олинган соф фойда 73 миллиард сўмга ошди.

Бутун дунёда бугунги куннинг энг муаммоли масалаларидан бири — ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш билан боғлиқдир. Бу борада ҳам Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида катта натижаларга эришилди. Жорий 2009 йилнинг олти ойи мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,8 минг тонна кўп маҳсулот экспорт қилишга эришилди.


Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида маҳсулот турларини кўпайтириш, аввал ишлаб чиқарилмаган нефть маҳсулотини йўлга қўйиш устида тинимсиз изланиш олиб борилаяпти. Маълумки, Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари, бу ердаги қулай инвестицион муҳит, сиёсий барқарорлик, иқтисодий шерикчиликнинг афзалликлари туфайли мамлакатимизга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айниқса, Навоийда эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этилиши натижасида юртимизга энг замонавий авиалайнерлар серқатнов бўлиб қолди. Яқинда корхонада «Боинг» ва «А-300» русумидаги ҳаво кемалари учун энг юқори сифатли «ЖЕТ-А-1» русумли авиаёқилғи ишлаб чиқарилди. У халқаро лабораторияларда таҳлилий сифат текширувидан муваффақиятли ўтди. Энди уни тизимли равишда ишлаб чиқариш бошланади.

Нефть маҳсулотларидан турли хил мой ажратиб олиш ғоят мураккаб технологик жараён бўлиб, завод мутахассислари унинг уддасидан чиқиб келмоқдалар. Яқинда эса унинг ҳам янги турлари истеъмолчиларга юборилди. Жумладан, трансмиссион — ТЭП-15 ва ЭСЭЛСSL гуруҳига кирувчи К-489М ва К-487 русумли мойлар ишлаб чиқарилди.


ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ

меҳнат жамоаси халқимизни мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги байрами билан табриклайди.

18 йил




Соф фойда




Экспорт миқдори











ишлаб чиқарилди.

Ҳар қандай саноат корхонаси бозор талаблари, эҳтиёж турлари билан ҳисоблашишга мажбур. Кейинги пайтда жаҳон бозорида тобланган кокс харидоргир бўлиб қолди. Фарғонада бундай маҳсулот етказиб бериш имконияти бор эди-ю, аммо у узоқ йиллардан буён ишга солинмасди. Корхона мутахассислари ўзлари ПНК қурилмасини таъмирлашди. Тобланган коксга харидор ҳам топилди. Дастлаб унинг 50 минг тоннасига шартнома тузилди. Ҳозиргача 10 минг тоннадан зиёд маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди.

— Эришилган муваффақиятларнинг биринчи омили Юртбошимизнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижаси деб биламан, — дейди завод ишчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир Темиров. — Бундан руҳланган ишчи-мутахассислар янги марралар сари интилишмоқда.

Ихчам, камхарж технологиялар кўмагида қўшимча янги иш ўринлари яратиш Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи маъмуриятининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда корхонада 413 нафар касаначи билан меҳнат шартномаси тузилган. Марғилонлик Матлуба Қорабоева уларнинг бири. Мана, уч йилдирки у завод ишчилари учун махсус кийим-кечак тикади. Бунинг учун керакли хомашё вақтида етказиб берилади, тайёр маҳсулот корхонага олиб кетилади.

— Мен уйда ишсиз ўтирган эдим. Энди касаначилик шартномасига асосан менга меҳнат дафтарчаси очишди. Иш ҳақимни вақтида олаяпман, энг муҳими, ижтимоий ҳимоядаман, ёшим етгач нафақа ҳам беришади, — дейди Матлубахон.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш



«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига асосан корхона Охунбобоев туманининг Қоражийда қишлоғида паррандачилик цехи бунёд этмоқда. Ҳозир юзлаб қурувчилар, махсус машина ва техникалар туну кун ишлаяпти.

— У фойдаланишга топширилгач, бу ерда 30 минг бош товуқ боқилади, — дейди қурилишга бошчилик қилаётган Ғанижон Олимов. — Демак, қишлоқда янги иш ўринлари юзага келади, заводнинг ишчилар ошхонаси парҳез парранда гўшти ва тухум билан таъминланади.

Дарвоқе, корхонадаги 10 минг ишчининг барчасига уч маҳал овқат бепул ташкил қилинган. Ошхона ёрдамчи хўжаликда етиштирилган полиз, мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминланган.

— Бизда ишчиларни профилактик овқатлантириш йўлга қўйилган, — дейди шифокор диетолог Сафия Собирзянова. — Шу билан бирга, овқатлар юқори калориялидир.

Шунингдек, заводнинг Қува тумани ва Қувасойда ёрдамчи хўжаликлари мавжуд бўлиб, нефтчилар дастурхони ҳамиша сархил мевалар билан тўкин.

Умуман, ишчи-хизматчиларнинг саломатлигига катта бойлик деб қараш корхона касаба уюшмалар бирлашмаси эътиборидадир. Заводнинг санаторий-профилакторийси бўлиб, бу ерда бир йилда бир марта жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз соғлиғини мустаҳкамлаб олади.

— Даволаш-соғломлаштириш йўналишидаги барча тиббий жиҳозлар билан таъминланганмиз, — дейди бош шифокор Ҳомиджон Марипов. — Бизда ходимларимиз учун стационар ва ишдан кейин қатнаб даволаниш имконияти яратилган.

Спорт билан шуғулланиш учун заводда барча имкониятлар яратилган. «Нефтчи» спорт мажмуасида замонавий стадион, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, енгил ва оғир атлетика заллари, ҳаракатли спорт турлари майдончалари, хуллас йигирмадан ортиқ турдаги машғулот секциялари ишлаб турибди.

— «Нефтчи» клуби шарафини ҳимоя қилаётганлар орасида ўнлаб мамлакат чемпионлари, халқаро мусобақа ғолиблари бор, — дейди мураббий Любовь Казимова. — Куни кеча улар сафига сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритган Малика Абдуқодирова ҳам қўшилди.

Кўп миллатли меҳнат жамоасини бирлаштириб турувчи яна бир маскан «Нефтчи» маданият саройидир. Ўнлаб тўгаракларда, айниқса, ёшлар истеъдод ва иқтидорларини такомиллаштирадилар. Бу ерда авлодлар учрашувлари, ёзувчи ва шоирлар ташрифи, маънавий-маърифий кечалар ўтказилади. Завод касаба уюшмалари бирлашмаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар, айниқса, ёдда қоларлидир.

— Мен шундай жамоада узоқ йиллар давомида меҳнат қилганим, ҳозир бу ерда етти нафар фарзандимнинг барчаси ишлаётганидан ғурурланаман, — дейди меҳнат фахрийси Номонжон Охунжонов. — Юртимизда бўлгани каби Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ҳам ҳалол ва сидқидил меҳнат қилган киши ҳамиша эъзозда.

Муҳаммаджон ОЕИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.





BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 749
7876 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 00.45
Topshirilgan vaqti — 02.45
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda